

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Мухтарам ватандошлар!

Дунёдаги жамики мусулмон уммати учун мўътабар ва қадрли бўлган шу саодатли, улуғ айёмда сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни Рамазон ҳайити билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Муқаддас динимизнинг эзгулик ва инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби буюк фазилатлари янада ёрқин намоён бўладиган ушбу шукуҳли дамларда барчамиз, аввало, Аллоҳ таолога оиламиз, элу юртимиз билан биргаликда бутунги қулуг ва бароқали қуларга етказгани учун беҳисоб шукроналар айтаман.

Рамазон ойининг файзу тароватидан баҳраманд бўлиб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, мухтарам нурунийлар, аёллар ва болаларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, эҳтиёжманд инсонларга бегараз ёрдам бериш сингари савобли ишларни амалга оширишга интиламиз.

Бундай олижаноб мақсад ва ҳаракатлар мамлакатимизни тараққий топан давлатлар қаторига олиб чиқиш, халқимизни ҳаётдан рози қилишга қаратилган ислохотларимизнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг экани, айниқса, эътиборлидир.

Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган муқаддас динимизни асраш, аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда мамлакатимизда шу йўналишда катта ишлар амалга ошириляётгани, табаррук қадамжолар обод қилиниб, янги-янги илмий, маданий ва диний марказлар, таълим масканлари ташкил этиляётгани барчангизга яхши маълум.

Бу йил муборак Рамазон кунларида Термиз шаҳрида Ҳаким Термизий, Тошкент шаҳрида Сузук ота ва Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф каби улуғ уламоларимизнинг номи билан аталган диний мажмуалар, жоме масжидлари фойдаланишга топширилгани, жойларда беш ташаббус ва бошқа ижтимоий-маънавий дастурларимиз доирасида эл-юртимиз, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар учун қулай меҳнат ва турмуш шароитлари яратилляётгани бу йўлдаги янги қадамлар бўлди.

(Давоми 2-саҳифада).

Россия Федерациясида учинчи бор “Талабалар баҳори” фестивали ўтказилмоқда. Унга Ўзбекистондан юз нафар делегат таклиф қилинган.

РУС ДИЁРИДАГИ ЁШЛИК БАЙРАМИ

Фестиваль мамлакатлараро дўстлик ва тотувлик, турли соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу аънанавий лойиҳада иштирок этиш учун ҳамюртларимиздан ташқари ШХТ ҳамда БРИКС тузилмаларига аъзо жами 22 давлатдан ёш лидерлар, журналистлар, санъаткорлар, таълим соҳаси вакиллари Ставрополь шаҳрига етиб келди. Делегациялар таркибидан нафақат ташаббускор ва иқтидорли талабалар, балки ёшлар ташкилотларининг масъул ходимлари ҳам ўрин олган.



Айтиш керак, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи нуфузли форумда биринчи бор иштирок этмоқда. Бирок бу бизнинг Россия учун янги ҳамкор эканимизни англамайди. Ўтган йили Ўзбекистон ва Россия ёшлар иттифоклари ўртасида англашув меморандуми имзоланган эди. Қисқа фурсатда унинг доирасида бир қанча самарали лойиҳалар амалга оширилди.

2018 йил бошида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида, кузда эса Москва, Волгоград ва Астраҳанда Ўзбекистон – Россия ёшлар фестивалари ўтказилган. Бундан ташқари, икки мамлакат ёш тадбиркорлари учун Тошкент ва Белгород шаҳарларида қўшма бизнес-инкубаторлар фаолияти йўлга қўйилган.


Кейинги пайтда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти шафелигида ўтказилётган турли форматдаги мулоқот ва учрашувларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан,

Ўтган йилнинг 19-23 сентябрь кунлари ташкилот вакиллари Россиянинг Хабаровск шаҳри мезбонлик қилган ШХТга аъзо давлатлар ёш лидерларининг II форумида катнашган. Қолаверса, икки йилдан буён Ёшлар иттифоқи делегацияси ШХТ ёшлар оромгоҳида иштирок этиш учун Хитойнинг турли шаҳарларига сафар қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

Отасига раҳмат келтирган ФАЗИЛАТ

Яқин-яқингача китоб кўтарган, тинимсиз илм излаётган ёшларга тенгдошлари бепасандлик билан қарарди. Ҳатто: “Ўқиб олим бўлармидинг?!” дея иддао қиладиганлар ҳам бор эди. Бундай муносабатга учрамаслик учун айрим ёшлар китобдан ўзини олиб қочарди.



Беш ташаббус қишқ этилди,
Яратилди етилди.
Ўқилди Гулистонда,
Ичи бошланди Бўстонда.
Бизда театр санъат,
Кўп асрлик маданият.
Музыка ҳамда расм,
Халқимиз қилар таъзим.
Адабиёт бош мавзу,
Боболар қилган орзу.
Улар қони бор танда,
Шеър ёзман шу онда.
Ёшлар ҳамроҳи спорт,
Шахмат-шашка, теннис корт.
Мана, очилди “Ҳумо”,
Лол қолди бутун дунё.
Ўзбек қиз-ўғлонлари,
Халқимиз полволлари.
Уларни қўллайдил эл,
Қурақлари кўрмас ер.
Компьютер бор ҳар уйда,
Гоҳ кундузи, гоҳ тунда.
Интернетни ёқамиз,
Кенг оламга боқамиз.
Бўкага келди қарвон,
Булар не, деб эл ҳайрон.
Нури эшиқлар очилди,
Халққа зиё ёлқонди.
Совгага минглаб китоб,
Чарақлаб кетди офтоб.
Жўшиб кетди юраклар,
Айтилди кўп тилақлар.
Энди оналар ишлар,
Бекор қолмас ёз-қишлар.
Бизлар қўлаб турамиз,
Фахрианиб юрамиз.
Улар сафида онам,
Кам бўлмасин деб болам.
Мен ҳам ўқиб билай дер,
Элга хизмат қилай дер.
Юртбошим бўлинг омон,
Сиз доимо халқ томон.
Юртимиз тинч эл тотув,
Қимларгадир бу орзу.
Сизда Темирнинг қони,
Сиз чин Ўзбек ўғлони.
Беш ташаббус бўлса жам,
Юртда бўлмас ҳеч ким кам!

Фазилат ЁҚУБОВА,
Бўка туманидаги
27-мактабнинг 3-синф ўқувчиси

Маъмура ХУҲАҚУЛОВА,
Рустам НАЗАРМАТОВ



Тахминан икки йил бурун вазият шундай бўлганига ишонгинг келмайди. Ёшларни мутолаага қизиқтириш, китобхонликни тарғиб этиш ишлари шунчалик самара бердики, мамлакатимизда китоб бозорлари кескин жонланди. Талабга қараб, чекка ҳудудларда ҳам кутубхоналар қуриляпти, китоб қарвонлари кириб борапти. Энг муҳими, китобхон, интеллектуал билимли ёшлар муносиб рағбатлантириляпти.

Мана, масалан, Бўка туманидаги 27-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова. Тасвирий санъат ва адабиётга қизиқадиган кизалоқ юртимизда амалга ошириляётган бешта ташаббусга бағишлаб ёзган шеъри билан бутун республикамиздаги тенгдошларига ўрнак бўлиб улгурди.

Фазилат отасига раҳмат келтирди — фарзандининг ижодига беварқ бўлмагани ва сифатли таълим олишига шароит яратиб бергани учун унинг отаси Ҳикматилла Ёқубовга Президентимиз автомобил совға қилди! Жаҳжи ижодкорга уйдан “Фазилат” номли кутубхона очиб бериш учун масъул ходимларга кўрсатма берилди.

— Фазилат тўрт ярим ёшида опасининг дарслик китобидаги шеърларни ёдлаб олди, — дейди кизчанин отаси, мактаб ўқувчиси Ҳикматилла Ёқубов. — У Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф сингари эл суйган шоирларнинг ижодини севиб ўқийди. Қизим иккимиз телевизор томоша қила туриб, Президентнинг беш ташаббуси ҳақида хабар топдик. Беш ташаббус нима эканлиги, нима учун илгари суриляётгани ҳақида Фазилат савол берди. Қўлимдан келганча ўзим, кейин устозлари унга 5 ташаббуснинг мазмунини тушунтирдик. Бундан таъсирланган кизим шеър ёзди...



Sarhisob



Хабарингиз бор, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида май — “Ёш оилалар билан ишлаш ойлиги” деб эълон қилинган. Маълумотларга кўра, республикамизда оилавий ажримлар сони юқорилигича қоляпти. Ачинарлиси, ажраётганларнинг катта қисми ёшлар. Демак, Ёшлар иттифоқи, вазирлик ва ҳамкор давлат идора ва ташкилотлари олдида жиддий вазифа турибди.

ТАДБИРЛАР ҲИСОБОТ УЧУН БЎЛМАДИ

Бундай вазифани ҳисобот учун ўтказилган тадбирлар билан бажариб бўлмайди. Аниқ ва пухта режа асосида самарали амалий ишларга қўл уриш, одамларнинг дарди билан яшаш керак.

Эзгу ният билан эълон қилинган “Ёш оилалар билан ишлаш ойлиги” замирида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий, намунали оилани шакллантириш, кадрларни ёшлар онгига синдириш, норасмий ва қариндошлар ўртасидаги низоҳнинг диний ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини тушунтириш каби мақсадлар назарда тутилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Xayriya

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Мутахассисларнинг айтишича, ҳар куни минглаб беморлар донорга муҳтож бўлар экан. Афсуски, қонни сунъий тарзда ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Унинг ягона манбаи бегараз донордир. Бугунги кунда аҳолининг 0,4 фоизи қон топширади, холос.



Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 3-4 фоизга тенг. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларида донорлар аҳоли сонининг камида 1 фоизни ташкил этиши белгиланган.

Қон хасталиклари, жумладан, оғир даражадаги камқонлик, қон саратони (лейкоз), қон ивиш тизими ишининг бузилиши (гемофилия) каби касалликлар билан оғриган бо-

лалар донор кўмагига муҳтож. Ёшлар иттифокнинг Жиззах вилояти кенгаши қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти ҳудуддаги қон қуйиш марказида 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунини муносабатига болалар “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида донорлик акциясини ташкил этди. Акцияда фаол ёшлар, кўнгилли юрдошларимиз иштирок этди.

— Байрам арафасида болажонлар учун қон топширдик, — дейди Ёшлар иттифоқи Жиззах вилояти кенгаши бош мутахассиси Шерали Қобилов. — Бугун биз топширган қон болалар ҳаёти учун керак бўлса, биз бундан хурсандмиз. Акцияда иштирок этиб, донорлик саломатлиги учун хавф туғдирмаслигини билиб олдик.

М.АҚЛБЕКОВА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Ўзбекистоннинг “Жаҳонга қарши – маърифат” деган тамойил асосида жаҳон миқёсида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, виждон эркинлиги ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш, ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқимиз ва дунё аҳлига етказиш борасидаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Шу улуг айём кунларида узок ва яқин давлатларда яшаётган мўмин-мусулмон биродарларимизни, барча дўст ва ҳамкорларимизни самимий кутлаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли юртдошлар!
Гўзал дўригимизда муборак Рамазон шукхи кезиб юрган шу кунларда байрам кайфияти барча шаҳар ва қишлоқларимизга кириб бориши, бу айёмни янада мазмунли ўтказиш учун шариот яратиб мақсадида 5-6 июнь мамлакатимизда дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

Буюк бомомиз Имом Бухорий ҳазратларидан ривоят қилинган ҳадиси шарифда айтилганидек, “Чинакам

мусулмон ўзига раво кўрган барча яхшиликларни бошқа инсонларга ҳам раво кўради”.

Дарҳақиқат, ҳаётда эзгу ва савоб амалларини бажариб, оиласи, фарзандлари, эл-юртининг бахту саодатини ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб яшаш мусулмон аҳли учун иймон-этиқоднинг муҳим шарт ҳисобланади.

Ишончим комил, дину диёнатиимиз ва замон руҳини қалбимизга чуқур синдириб, бутунги ҳаётнинг ўткир талаби бўлган илм-фан, инновация ва тараққиёт ютуқлари билан қуролланиб, Ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилсак, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта етамиз.

Сиз, азиз ватандошларимиз муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан кутлаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуг халқимизнинг шу табаррук кунларда қилаётган барча ибодатлари, эзгу дуолари ижобат бўлсин!

Муқаддас айём – Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!


Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

РУС ДИЁРИДАГИ ЁШЛИК БАЙРАМИ

(Бошланиши 1-саҳифада).

Кеча Ставрополда старт олган “Талабалар баҳори” фестивали ўз нуфузи ва аҳамияти жиҳатидан юқорида тилга олинган лойиҳалардан сира қолишмайди. Аввало, унинг сон ва географик жиҳатдан қамровига эътибор қаратсак. Ёшлик байрамида Марказий Осиё давлатлари, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркия, Жанубий Африка Республикаси, Камбоджа, Непал, Эрон, Покистон, Беларусь, Мўғулистон, Шри-Ланка ҳамда Россиянинг ўзидан 2 мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этмоқда. Австрия, Грузия, Вьетнам вакиллари эса фестивалга махсус меҳмон сифатида таклиф қилинган.

Фестиваль бош ташкилотчиларидан бири — Россотрудничество федерал агентлиги бошқарма бошлиғи Виталий Сало-



циялари — жами 150 нафар киши Ставрополга келишдан аввал Москва шаҳрида меҳмон бўлди. Россия Федерацияси Ташки ишлар вазирлиги, парламентнинг

иштирокида ижтимоий дипломатия, таълим, масс-медиа ва бошқа соҳаларда 30 га яқин лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. “Талабалар баҳори” шулардан энг йиритидир.

— 2019 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилиш ҳуқуқи Россияга ўтди, — дейди Россия Федерацияси Ёшлар иттифоқи раиси Павел Красноручкий. — Талабалар фестивалини юртимиз сиёсий ҳаётидаги мана шу муҳим ҳодиса билан боғладик. Фестиваль биз учун, сўзсиз, катта аҳамиятга эга. Чунки у жаҳон майдонида турли мамлакатлар ёшларини бирлаштирди. Олти кун мобайнида ўзбеки хинд, африкалик ва беларусь — ҳамма бир оилага айланиб, турли мавзуларда фикр алмашиб, баҳс-мунозара олиб бориш, ўз ватанининг илмий, иқтисодий, маданий салоҳиятини намойиш этиши имконига эга бўлди. Ишончим комилки, дўстона муҳит ва самимий мулоқотлар бир-биримизни янада яқинроқ ва яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

— “Талабалар баҳори” фестивалида Ўзбекистоннинг юзи бўлиб келидик, — дейди мамлакатимиз делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Ёшлар иттифонининг Тошкент ви-

лояти кенгаши раиси Мурод Зуфаров. — Бу ерда ўзимизни ижобий маънода намойиш этишни, ватанимизда олиб борилаётган ислохотлар,

халқаро мусикий фестивали, “Талабалар кироличаси” номли артистик маҳорати танлови, кўплаб спорт мусобақалари, маданий тадбир ва экскурсиялар ўрин олган. Шунингдек, “Арт-холл” лойиҳаси доирасида ижодкор ёшлар санъатнинг турли жанрлари бўйича ўз чиқишларини намойиш этади.

Форумлар доирасида ташкил қилинадиган тақдимот ва мулоқотларда Россиянинг 100 нафарга яқин таниқли сиёсатчилари, жамоат арбоблари, журналистлари, эстрада юлдузлари, қолаверса, ШХТ ҳамда БРИКСга аъзо мамлакатларнинг ёшлар ташкилотларининг расмийлари эксперти ва фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши кутилмоқда.

Мулоқотлар якунида 2019-2020 йилларга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар режаси қабул қи-



айниқса, ёшлар сиёсати ҳақида бошқа юрт вакилларига тўқис маълумот етказишни мақсад қилдик. Делегациямиз юрағида ўти бор, ғайратли йигит-қизлардан ташкил топган. Бундай таркиб билан фестивалда муносиб иштирок эта оламиз, деган умидламан.

Фестивалнинг очилиш маросими Ставропол шаҳри марказий майдонида гала-концерт қўринишида бўлиб ўтди. Кейинги кунлар дастуридан ёш лидерлар ҳамда ёш журналистлар форумлари, таълим бўйича йирк анжуман, “Универвидение”

линади. Мазкур ҳужжатда МДХ мамлакатлари ёшларининг “Талабалар баҳори” фестивалини ўтказиш, ШХТга аъзо мамлакатларнинг Халқаро ёшлар бизнес-инкубатори ҳамда Халқаро ёшлар мураббийлари ассоциациясини ташкил этиш, шунингдек, Халқаро ёшлар ахборот агентлиғи фаолиятини йўлга қўйиш каби масалалар ўз ифодасини топиши кутилмоқда.

Наргиза УМАРОВА

Тошкент – Москва – Ставрополь

Бандликка йўл

Республикамизнинг барча туман-шаҳарларида “Ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳафталиғи” ўтказилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган ҳафталикда тадбиркорлик қилиш ис-тагида бўлган ўғил-қизлар билан “Муваффақиятга эришиш сирлари” мавзусида “Тадбиркорлар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳафталикда 1 минг 512 нафар ёш тадбиркорликка йўналтирилган бўлса, 760 нафар ёш хунарамандлик-



ка жалб этилиб, шогирд сифатида мохир устозларга бириктирилди. Ўғил-қизларни касб-хунарга ўқитиш, деҳқон ва фермер хўжалиқларида бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Мухбиримиз

нецкий “Талабалар баҳори” янги лойиҳа бўлма-са-да, лекин унинг ШХТ ва БРИКС мамлакатлари вакиллари иштирокида ўтиши чинакам янгилик эканини қайд этди. Бунақаси Россия тажрибасида ҳали бўлмаган. Ўз навбатида, дунёнинг турли бурчақларида истискомат қилаётган ёшларнинг эркин ҳамда дўстона мулоқоти учун бир макон ва майдон яратиб бериш қабул қилувчи томонга ҳам мамнуният бахш этмоқда. Иштирокчи давлатларнинг тор таркибли делега-

юкори ва куйи палаталарида учрашувлар ўтказилди. Турфа миллат вакилларида 2011 йилда Россия Федерацияси Президентини фармонига биноан ишга туширилган “New generation” (“Янги авлод”) дастури ҳақида атрофича маълумот берилди.

Дастур ёш мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, профессионал давраларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда етакчилик салоҳиятини оширишга имкон бермоқда. Жорий йилда “New generation” доирасида юздан зиёд мамлакат ёшлари

юкори ва куйи палаталарида учрашувлар ўтказилди. Турфа миллат вакилларида 2011 йилда Россия Федерацияси Президентини фармонига биноан ишга туширилган “New generation” (“Янги авлод”) дастури ҳақида атрофича маълумот берилди.

Дастур ёш мутахассислар учун мўлжалланган бўлиб, профессионал давраларда ўзаро тажриба алмашиш ҳамда етакчилик салоҳиятини оширишга имкон бермоқда. Жорий йилда “New generation” доирасида юздан зиёд мамлакат ёшлари



Тадбирлар ҳисобот учун бўлмади

Мана, соҳа мутахассисларидан бошқа пайтдагидан кўра кўпроқ меҳнат қилишни талаб этадиган ойлик низоҳасига етди. Аммо режалаштирилган ишлар қанчалик самара берди? Бу ишлар фақатгина коғозда қолмай, амалда халқимизга наф келтирадими?

“Ойла” илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар ёш келин-куёвларнинг ҳаётини таъминлаш, оилавий муносабатларнинг маънавий-ахлоқий асослари, оила иқтисодий ва бюджетни юритиш, репродуктив саломатлик бўйича билим ва кўникмалари етарли эмаслиги сабабли ёшлар орасида ажримлар кўнаганини кўрсатди.

“Келин-куёвлар инновацион мактаби” том маънода ёшлар ўртасида оила кўникмасини шакллантириш учун ташкил этилган. Ойлик доирасида ҳудудлардаги инновацион мактабларнинг ўқувчилари учун махсус дарслар ўтилди. Шунингдек, “Ибратли оилалар ташрифи” лойиҳаси доирасида намуна оила вакиллари таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар билан суҳбатланди. Улар ҳаёт йўли, турмушда дуч келган муаммоларни кан-



дай енгиб ўтгани, аҳиллик сири ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Бу, албатта, ёшларнинг келгуси ҳаётида аскалади.

“Менинг келиним талаба” акциясида 826 нафар талаба-келининг кайнонаси ОМЛарга таклиф этилди. Одатда кайноналар ўқийдиган келинини рўзгор юмушларида илтимос қилиб қўйиб, уларга қўшимча таълим тегмаслиқда айблайди. Акцияда талабага ўқиб нечоғлиқ муҳимлиги, келин-хайнона муносабатлари ҳақида малакали психологлар тренинглари ўтди.

Касб-хунара коллежлари, академик лицей ва мактабларда “Ажримларга — гаҳмхўр” ота-оналар сабабчиси”, “Нихоҳ қурш учун ёш нимани халқ қилади?” мавзуларида дебат дарслари ўтказилди. Аҳамиятисиз, бу дарсларда ўқувчилар муаммолари масалани пухта ўрганиб, фикр билдирди. Дарс баҳо-насида оила қурши, уни асраб қолиш ҳақида мушоҳада қилди.

— “Соғлом оила — ишончли келажақ” шиори остида ниҳоҳ ёшдаги йигит-қизлар, ёш оила ҳамда эҳтиёжманд оила вакиллари билан табиий кўриқдан ўтказдик, — дейди Иттифонинг ёш оилалар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Гулҳеҳра Ашурова. — Кўриқ натижалари бўйича ташхис қўйилиб, зарур ҳолларда мутахассис шифокор маслаҳати берилди.

Муқаддас кўрган мустақамлиги учун оиланинг ҳар бир аъзоси маданият-ли-маърифатли бўлиши даркор. Бунинг учун ота-она ҳам, фарзанд ҳам мутолаага

ошно тутиниши керак. “Ойламга китоб билан” лойиҳаси айнан шу мақсадга хизмат қилди. Маданият ва истироҳат боғларида ташкил этилган сайилларда китоб ярмаркалари уюштирилди. Иштирокчилар уйига маърифат маёғи ила қайтди.

“Биз — соғлом оиламиз”, “Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” шиорлари остида ёшлар, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида марафонлар, спорт мусобақалари ўтказилди. “Театрга оилам билан” лойиҳаси доирасида 200 нафар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ёш оилалар, оила қурш арасидаги ёшлар учун маърифий кеча ташкил этилди. Халқаро оила куни муносабати билан ўтказилган танлов ҳам ёшларни бефарқ қолдирмади.

Ойлик дастурлари шу билан чекланиб қолгани йўқ. Лойиҳа доирасидаги муҳим тадбирлардан бири ФХДЭ бўлимлари, таълим муассасаси ва маҳаллаларда ташкил этилди. Унда “Юрист маслаҳати” ва “Психолог маслаҳати” лойиҳалари орқали 3 минг 715 нафар ёш ва ёш оила вакиллари психологик ва ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Натижа ёмон эмас. Ажрим ёқасида турган 128 ёш оила яратилди. Бу оилаларнинг келгуси ҳаёти ижобий томонга тўла ўзгариб кетиши учун мутахассислар уларнинг холидан тез-тез хабар олиб турадиган бўлди.



Шу ўринда спорт мусобақаси, театр томошаси кўриқ-тавлонинг оила мустақамлиғига қандай алоқаси бор, деб ўйлайдиз. Аммо адашасиз! Чунки бунинг оила мустақамлиғида ўрин катта. Марафонларда оиласи билан катнашган, театрда бирга борган ёш оила вакиллари-нинг бир-бирига илқ муносабати янада мустақамланади. Ўткинчи ташвишлар билан оёвора бўлиб, оиласига, фарзандига етарлича эътибор қарата олмаётганини англайди.

Боборавшан ҒОЗИДИНОВ

Sening tengdoshing

“Youth mobile” танлови якунланди

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан талаба-ёшлар ўртасида мобил иловалар яратиш бўйича ўтказилган “Youth Mobile” танловининг якуни босқичи бўлиб ўтди.

2018 йилнинг ноябрь ойида бошланган танловнинг финал қисмига

10 та ишланма етиб келди. Якунда глобалик Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Сайёра Раҳимовага насиб этди.

Компьютер инжиниринги факультетининг 2-босқичида тахсил олаётган Сайёра Раҳимова 12 миллион 500 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шу факультетининг

тетнинг информатика асослари кафедраси ёш ўқитувчиси Зарнигор Файзуллаева 2-ўрин ва 4 миллион сўм пул мукофоти эгасига айланди.

Совриндорларнинг мобил иловалари Google Play ва AppStore онлайн-дўконлар тармоғига жойлаштирилди.

Жамшид МУСУРМОНОВ

Учтепада 314 та тўғарак очилди

Беш ташаббуснинг иккинчи манзили — Учтепа туманида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бош масалага айланган. Шу кунгача ҳудуддаги умумтаълим мактабларида жами 314 та тўғарак очилиб, уларга 39 минг 968 нафардан зиёд ўқувчи камраб олинди.

Масалан, “Сехрли мўйқалам”, “Ёш каламкашлар”, “Ёш чоғуқчилар”, “Ёш юлдузлар”, “Ранглар жилоси”, доира, чет тили, стол тенниси, шахмат-пашка, футбол, волейбол, “Ёш дастурчи” сингари тўғаракларда соҳа мутахассислари ўтаётган кизикарли машғулотлар ўғил-қизларни ўзига қорламоқда.

— Бўша туманидаги ўзгаришларни телевизорда кўриб, бизнинг маҳаллада ҳам шундай ишлар бўлишини хоҳлаладим, — дейди 203-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жалолиддин Орипов. — Бугун туманимиздаги мактабларда ишлаётган тўғараклар тенгдошларимнинг илму хунарга кизикшини оширади ҳамда келажақда ўз йўлларини топиб кетишига кўмаклашади деб ўйлайман.

Ҳасан УСМОНОВ

Festival Билим, тажриба, таассурот

Бухоро вилоятидаги Ёшлар марказида Иттифонинг худудий кенгаши ва Республика ёшлар маркази вилоят бўлими маси ҳамкорлигида ёшларнинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, китобхонлиқни тарғиб қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида фестиваль бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ижодкор ва ёшлар”, “Сиз билан фахрланамиз!”, “Шахмат — ақл ва тафаккурда”, “Энг яхши дастурчи”, “Ёш каламкашлар” каби мавзуларда учрашув ва мусобақалар ўтказилди.

Шахмат мусобақасида 7 – 12 ёш тоифасидаги


40 нафардан ортиқ шахматчи ўқувчи беллашди. “Ватан равнақига менинг ҳиссам” лойиҳасида 200 нафар ёш тикувчилик, сартороқлик, рассомлик, тўқувчилик, пазандалик йўналишидаги тўғарак аъзолари тайёрлаган буюмлар намойиш этилди.

Зарнигор НАФИТИДИНОВА

Suhbatdosh

Исажон СУЛТОН:

“АСЛИДА МУКОФОТГА ОНАМ ЛОЙИҚ!”



Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, эл ардоғидаги ёзувчи Исажон Султон 1967 йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Авазбой қишлоғида таваллуд топган. У ўрта мактабни олтин медал билан тамомлагач, 1985 – 1990 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетида тахсил олган. Адибнинг “Муножот”, “Ойдинбулоқ”, “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Боғи Эрам”, “Ҳазрати Хизр изидан”, “Генетик” номли китоблари чоп этилган. У “Озод” романи учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Ватан учун яшайлик” республика танлови ғолиби бўлди. Шунингдек, адибнинг қатор ҳикоялари халқаро танловларда совринли ўринларга муносиб кўрилган. Исажон Султон асарлари инглиз, немис, рус ва турк тилларига таржима қилиниб, АҚШ, Россия, Туркия ва Молдова адабий нашрларида чоп этилган.

Ёзувчи Жаҳоҳарлавл Неру, Риооске Акутагава, Ясунари Кавабата, Дино Буццати, Умар Сайфиддин каби дунёнинг машҳур ижодкорлари асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Устознинг самимийлигидан, шоғирдарварлигидан руҳлиниб, қатор саволлар билан мурожаат қилдик.

— Болалик хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Биласизми, болаликда кизик, деб ўйлаганимиз ҳозир кизик туюлмайдми ёки аксинча, ҳозир кизик туюладиган воқеага ўша пайтда эътибор бермаган бўламмиз...

Уйимиз олдида Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Шу каналнинг нариги қирғоғига сузиб ўтиш болакайлар учун улкан қаҳрамонлик саналарди. Гентдошларим орасида кўрсатган илк қаҳрамонлигим шу эди.

Қишлоғимиз четда баланд сув минораси бўларди. Унинг тепасига чиқиш ҳам катта жасорат ҳисобланарди. Мен мана шу миноранинг тепасини забт этиб, миттигина қишлоғимнинг қанчалар кенг эканига ҳайрат ила боқганим ҳеч эсимдан чикмайди.

— Болаликдаги энг ақил дўстингиз?

— Дўстларим кўп! Биз, синфдошлар бир-биримиз билан жуда ақил эдик. Қишлоқ болалари тўпланиб, мактабга катнардик. Бугунги замонимиздан олдиероққа назар ташласам, биз бир оиладек ақил ва кизикчилари ҳам бир-бирига ўхшаш ака-укалардай яшаган эканмиз. Ҳақиқатан ҳам шунақа эди. Дарсдан сўнг далага чиқиб, сигир-қўйларга ўт ўрардик. Хуллас, эртаю кеч бирга эдик.

Йиллар ўтгани сари дўст деган сўзнинг маъноси ҳам, моҳияти ҳам, унга бўлган талаб ҳам ўзгариб борди. Қизик, дўстан ҳеч бир манфаат ҳам, бирон ёрдан ҳам кутмай-сиз. У шунчаки қалбингизга яқин одам, юрак меҳрини берган инсонингиз. Ана шу меҳр билан бирга, унга катта бир кадр-қимматни ҳам тутасизки, уни ўзингизга яқин оласиз. Назаримда дўстлик шундай бўлади.

— Онангизнинг тутилган кунини ёхуд байрамларда берган илк ҳадиянгиз ёдингизми?

— Ота-онам тутилган кунлари қачон эканини ўзлари ҳам билмайдди. Улар ўтган асрнинг 40-йилларида тутилган. Ўша вақтда тутилган кун ҳисоби юриштилмаган экан. Шунинг учун дадам билан ўқиган синфдошларининг ҳаммаси 10 май кунини “туғилиб қолган” Волидан муҳтарамнинг синфдошларида ҳам худди шу ҳол. Шу сабабдан ҳар йили 10 май санасини тантаная билан қутиб оламиз.

Болалик чоғларимда иккисининг тутилган кунлари бир кунда бўлгани учун етти фарзанд (тўнғичи мен эдим) бир ёқадан бош чиқариб, барча уй ишларини қойиллатиб ба-

жарардик. Уларга мана шундай қутилмаган совға тайёрлардик. Кейин ёшимиз улгайиб, жамиятда ўз ўрнимизни топганимиздан сўнг уларнинг кўнглини олиш нақадар масъулиятли иш эканини англадим.

Тўғри, уларга ҳар қандай совға ёқимли. Лекин ота-она учун энг олий бахт фарзанднинг камолини кўриш экан. Сиз унга мана шу бахтни берман дейсиз, бироқ бу ҳар доим ҳам қўлингиздан келавермайди.

— Болаликда эришган илк ютуғингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Қай бирини айтай. Ҳаммаси бир-биридан фарқ қилади.

Авваломбор, менинг ёзувчи бўлишимни онам хоҳлаганида, мен физик олим бўлиб кетардим, деб ўйлаб қоламан.

Тўнғич ўғиллар шунақа бўлади, ҳаёт ташвишларига эртароқ қиради. Катта фарзанд бўлганим учун онамга яқинман, унинг ҳар қандай тилагини бажаришга тайёр турганман. Онам кўп китоб ўқиган, бироқ бор-йўғи 8-синфгача тахсил олган. Шундан сўнг у етти фарзанднинг онасига айланди.

Мен 6-7-синфдагимда бир ҳикоя ёзиб, “Тўлхан” журнаliga жўнатганман ва олдий бир қишлоқ боласининг ҳикояси чоп этилганини кўриб, кўзларимга ишонмаганман. Шундан сўнг менга ўзим тенги болалардан хатлар кела бошлади, мен билан танишишга иштиёқлари борлигини билдиришди. Мана шу ютуғимдан ҳам онам жуда хурсанд бўлган.

Яна бирини айтай. 2-3 йил олдин Анталия шаҳрида чиқадиган бир адабий журналнинг танловига “Боғи Эрам” номли ҳикоям ғолиб деб топилди. Менги ўша шаҳардаги симпозиумлар саройига тақлиф қилишди. Ўзим билан онамни бирга олиб бордим. Шунда менга мукофот топширилиши эълон қилинганда, “Бу мукофотга мендан кўра кўпроқ онам лойиқ. Ҳурматли хакамлар, сизлардан сўрайманки, бу мукофотни мен эмас, онам ўз қўлига олса”, — деганимда, ҳамма қарсақ чалиб, онамни саҳнага чорлади. Болалигимда кўрганам — онамнинг кўзидеги севинчнинг яна бир бор ўша ерда кўрдим...

— Демак, юрагингизда китобга меҳр-муҳаббатни онангиз уйғотган?

— Биз зиёли оилада туғилдик. Оиламизда китоблар кўп эди. Биласизми, ўсмирликда билимга чанқоклик палласи бўлади. Бунда



эса оиладаги муҳит жуда катта роль ўйнайди. Ўша пайтларда туманимиз кутубхоналаридаги китобларнинг деярли ҳаммасини ўқиб чикканман.

— Устозларингиз ҳақида...

— Биринчи ўқитувчим Тўхтасин ака Юсуповни ҳар доим кўрганамда хол-аҳвол сўраб, умри узок бўлишини тилайман. Ўша маҳалдаги деярли ҳамма ўқитувчилар мени ўзига ром қила олган. Тарих муаллимимиз Султон ака, география, физика, астрономия, дунёни дунё қилиб турган фанлардан дарс берган устозларимизни кўп эсга оламан, ўша лаҳзалар халигача ёдимда. У даврда устозлар дарс туғати биланок, уйга келиб, эл катори меҳнат қиларди. Томоркага қараб, чорва боқарди. Ҳаттоки, аёл ўқитувчиларимнинг кўллари қалок бўлиб кетганини кўрганман. Мен уларга хамиша таъзимдаман.

— Орзуларингизнинг қанчасига эришдингиз деб ўйлайсиз?

— Аввало, Ўзбекистон деган юртнинг овоз бўлганини кўрдим. Бу жуда кўпчиликнинг орзуси эди. Қолаверса, ёзувчи бўламан деб ўйлардим ва бу шарафга ҳам эришдим. Ёзувчи бўлишим, деганда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзолигим ёки “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлганимни назарда тутмаганман. Булар, шубҳасиз, катта ишорат билдирилганидан далолат. Кўрган-кечирган воқеаларингизни хулоса сифатида оммага тақдим этсангиз, ёганларингизнинг халқ орасида кадр-қиммати борлигини сезсангиз, ана ўшанда ўзингизни ижодкорман, деб ҳис қила бошлайсиз.

Бирок халқ қиймат бермаса, ёзувчи ким?! Ҳар бир ижодкор халқнинг қўллаб-қувватлаши билан кадрли.

— Қайси китобни ўқувчиларга мутолаа учун тавсия қиласиз?

— Бадий китоб ўқиш ёшга қараб бел-

гиланади. Дунё адабиёти намуналаридан “Кичкина шахзода” асарини болалар ўқиб чиқиши керак. У — дунёқарашни кенгайтирадиган асар. Шунингдек, фантастик асарларни ўқиш керак, улар тасаввурни қучайтиради.

Ёшлигимда Жюль Вернинг “Капитан Грант болалари”, “Сув остида саксон миң километр” каби асарларини ўқиганман. Ўртоқларим билан ўзимизни гуё асар қаҳрамонлари орасида юргандек ҳис қилардик.

— Орзу ва армон доимо ёнма-ён. Орзу ҳақида сўхбатлашдик. Армонингиз борми?

— (Қулиб қўйиб). Фазагир бўлиш орзум эди. Балки фантастик кинолар таъсиридир, самодлаги кўш, ой ва юлдузларни, улар ортидаги чексизликни томоша қилгим келгандир... Фазагир бўлишимнинг иложи йўқлигини билсам-да, негадир умид қилардим.

— Болаликка қайтишнинг имкони бўлганида нима қилардингиз?

— Мен бобомнинг қўлида, унга дастурлик қилиб катта бўлганман. Уни “Султон ноной”, деб қақиринарди. 84 ёшида вафот этди. Бобомдан ажралганимда у зот менга ҳаётнинг жуда кўп сабоқларини ўргатиб кетганини идрок қила бошладим. Шунинг учун болаликка қайтсам-у бобомни яна бир марта кўрсам, тўйиб сўхбатлашсам, менга қилган шунча яхшиликларни учун миннатдорлик билдирсам, дейман. Охиратлари обод бўлсин!

— Самимий ва қизикarli сўхбат учун ташаккур!

— Саломат бўлинг!

ЎЗЖОКУ талабаси Азим АХТАМОВ сўхбатлашди.

Tahlil va talqin

КОРАБАЙИР ЎЗБЕК БРЕНДИ БЎЛАДИ



Бир сўз билан айтганда, шу вақт мобайнида йилкичилик ва от спорти таназзулга юз тутди. Энди бу бўшлиқни тўлдириш, соҳани қайтадан ривожлантириш катта меҳнат талаб этади. Бунинг учун ёш спортчиларни жалб қилган ҳолда миллий ва халқаро от спорти тадбирларини ўтказиш, миллий ҳамда халқаро даражада йилкилар кўргазмалари ва аукцион савдоларини ташкил этиш керак.

Қувонарлиси, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Самарқанд ветеринария медицина институтини йилкичилик соҳаси бўйича зоотехник, ветеринар мутахассислиги бўйича таълим бериш ишлари бошлаб юборилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт институтида ҳам от спорти факультети ташкил этилиб, ўтган йили дастлабки талабалар қабул қилинди. Қолаверса, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида от заводлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси ёш чавандозларни тайёрлаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дунё таърибаси йилкичиликни шакллантирмадан от спортини ривожлантириб бўлмастлигини кўрсатади. Негаки отларни доим четдан олиб келиш яхши натижа бермайди. Масалан, Германиядан келтирилган ганновер оти юртимизга олиб келинганди, бир ярим метрдан баландга сакрай олмади. Аслида у икки метр баландликка бемалол сакрай олиши керак. Бунинг сабаби олдий, ганновер оти икким ва шароитга кўника олмаган. Демак, хоридан зотдор отларнинг бия ва айғирларини

Ўтган асрнинг 90-йилларида Жиззах ҳамда Тошкент от заводлари фаолияти тугатилди. Оқибатда Марказий ипподром фаолияти кескин сусайди. Йилкичилик ва от спорти бўйича мутахассислар, спортчи, йилкичи селекционер наслчиларга эҳтиёж бўлмагач, уларнинг аксарияти иш излаб хоридга кетди. Бошқалари эса пенсияга чиқди. Бугун соҳада илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассислар деярли йўқ, борлари ҳам талабга жавоб бермайди.

олиб келиб, маҳаллий услубда урчиштириш орқали ўзимизнинг шароитга мослашган соғлом спортчи отлар етиштириш зарур.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спорти янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги шу каби катор муаммоларга ҳал бўлди.

ЯНГИ АВЛОД ЧАВАНДОЗЛАРИ

Бугунги кунгача мамлакатимизнинг Бухоро, Тошкент, Наманган вилоятларида от спорти мактаблари фаолият юритган. Аммо бу учта мактаб билан ўзбек от спортини жаҳон аренасига олиб чиқиш амри маҳол. Юқорида кайд этилган қарорда 2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий,

Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар от спорти мактабларини босқичма-босқич ташкил этиш белгилаб берилди. Спорт мактабларида малакали мутахассислар сабоқ бериши, муассасаларни зарур ўқув-методик адабиётлар ва замонавий технология билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Болалар фақатгина миллий спортини — кўпқари билан чекланиб қол-

маслиги лозим. Жаҳон ареналарида от спортининг классик турлари бор ва бу спортчида кўп меҳнат ҳамда машаққат талаб этади. Жумладан, тўсиклардан от сакратиш, яъни қанқор, пойма, учқураш мусобақалари, отни рақсга тушириш бўйича дрессаж йўналишларида янги авлод чавандозларини шакллантириб олсак, марра бизники бўлади!

Шунингдек, юртимизда қорабайир отларини кўпайтириш учун “Қорабайир отчилик мажмуаси”, “Водий тулпорлари”, “Ўзбек спорт отлари” мажмуалари ташкил этилди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ўзининг от брэндига эга. Бизнинг брэндимиз, миллий ифтихоримиз — қорабайир! Лекин қорабайирни брэнд даражасига олиб чиқиш учун илмий-наслчилик ишларини амалга ошириш керак.

Халқимиздан “Отингиз қандай зотта мансуб?” деб сўрасангиз: “Қорабайир”, деб жавоб беради. Аммо унинг ҳақиқатан ҳам шу зотга тегишли эканини ҳеч ким билмайди. Аслида жаҳон йилкичилигида отларнинг зоти тазалигини белгилловчи ўзига хос талаблар бор.

Қорабайирнинг асл генофонди Сурхондарё, Фарғона ҳамда Жиззах вилоятларида сакланиб қолган. Бошқа худудлардаги от зотлари қаттиқ кетган. Зоти тоза бўлмаган от брэнд даражасига чиқолмайди. Шунинг учун, аввало, қорабайирнинг наслини тазалаб олиш зарур.

ИНВЕСТИЦИОН СЕЛЕКЦИЯ-ГЕНЕТИКА МАРКАЗИ

Ҳужжатда Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси қошида юридик шахс мақомига эга қорабайир отларни етиштириш ва кўпайтириш

бўйича инновацион селекция-генетика марказини ташкил этиш назарда тутилган. Марказда лаборатория ташкил қилиниб, отларнинг қон гуруҳини аниқлаш ва маълумотлар базасини яратиш бўйича ишлар олиб борилади. Бу вазифани самарали амалга ошириш учун мутахассисларнинг хоридга малака ошириши йўлга қўйилди. Агарда биз хоридан отнинг қондаги ДНКларни аниқловчи махсус ускуналарни олиб келсак, юртимиздаги зотдор отларнинг қайси наслга мансуб эканини аниқлаш имконига эга бўламмиз. Ана шунда тозақонли қорабайирни ажрата оламиз. Қорабайир отларини нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг исталган жойида урғатишимиз мумкин. Инновацион марказ бунёд этилгач, қорабайирнинг ҳақиқий қон маркерлари олинади. Сўнгра барча худудлардаги зотдор отлар қони анализ-синтез қилиниб, унда неча фозиз ўзбек брэнди ДНКси мавжудлиги аниқланади. Масалан, бугун Новокиргиз номли от деганда одамлар қорабайирдан баландрок, қучлироқ отни тасаввур қилади. Лекин унинг асл зоти қорабайир бўлиши ҳам мумкин. Марказ ана шундай шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмайди.

Кейинчалик марказда текширувдан ўтказилган отларнинг қон маркерлари базаси ҳосил бўлади. Бунда отларнинг шажараси шакллантириб борилади. Мамлакатимизда 80-йилларга қадар қорабайир отларининг давлат наслчилик китоби юритилган. Марказ фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг, китобни янада бойитиб бориш имкони туғилади.

Анвар СУЮНОВ, Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси матбуот котиби



Tengdoshlardan maktublar

ZAMONAVIY KAMPIRLAR ertak aytadimi?

Bolalik chog'larimni, buvijonim o'gilari-yu matallari sog'inaman. U: "Birovning bergani — ko'rgulik, mehnatning bergani — to'yulik", der edi. Buvim har oqshom bir-biridan qiziq ertaklar aytib, singlim ikkimizni uxlatardi...

Dam olish kuni dugonalar bilan tushlikka chiqdik. Yemakxonadagi besh-olti zamonaviy "gap"chi buvijonlarning gurungi qulog'imga chalindi. To'lachadan kelgan, qizil ro'molli kampir kelindan nolidi. Unga yonidagi onaxon ham go'shildi. So'ng suhbat mavzusi Turkiya mebeli-yu kiyimlariga taqaldi. Oxirgi xarid qilgan kiyimi, uning narxi...



O'ylanib qoldim. Qiziq, ular ham nabilariga ertak, rivoyat aytib berarmikan?

Yulduz JAMOLOVA

"Maqto'v aytish"ga o'qimadim



Taksiga o'tirdim. Haydovchi amaki gap boshladi:

— Kim bo'lib ishlaysan, qizim?
— Jurnalistman, — dedim faxrlanib.
— Ie! Ayt-chi, nimalar haqida yozasan?
Mualliflik materiallarini sanadim. Gapim oxiriga yetmasdan amaki so'zimni bo'ldi:
— Nevram ham jurnalist bo'laman, deydi. Men esa bunga qarshiman. Nima qiladi to'rt yil "maqto'v aytish"ga o'qib. Uni o'qimagan ham gapira oladi. Muammodon gapirsang, hammasi jim.

— Balki siz erta-yu kech yo'lda bo'lib, bundan bexabar qolayotgandirsiz. Lekin bugun ommaviy axborot vositalari avvalgidek emas.
— Yunusobodda turaman. Ko'chalariga soya tashlab turgan ko'p yillik daraxtlar kesilib ketdi. Odamlar fikri bilan hech kimning ishi bo'lmas. Nega shuni birorta jurnalist xolis yoritib bermadi? Axir ularning asosiy vazifasi xalqning dardini ko'tarib, unga malham topishga ko'maklashish emasmi?

Shu chog' kasbimdan, yo'q, aslida kasbiy mas'uliyatni to'la his emaganimdan uyaldim. Hayotga "rangli ko'zoynaksiz" qarab, odamlarni qiyinayotgan muammolarni yoritish nafaqat burch, balki sharaf ekanini angladim.

Muqaddas MUSAYEVA

O'zimizga bog'liq...

Olimlar 4 yoshdan 11 yoshgacha bo'lgan bolalar o'rtasida tadqiqot o'tkazib, shunday xulosaga kelibdi: boladagi jizzakilik va jahldorlikka asosiy sababchi ota-ona ekan. Ularning beparvoligi tufayli bola o'ziga ovunchoq izlaydi va buni "temir quti" — telefon yoki kompyuterdan topadi. Oqibada ro'y berayotgan voqea-hodisalarga guvoh bo'lyapmiz...

Bir do'stim yil davomida internet orqali onlayn darslarda ingliz tilini o'zlashtirib, grant yutib oldi. Endi u xorijdagi muvazir o'qov yurtida bilimlarini mustahkamlash imkoniyatiga ega bo'ldi. Shunisi qiziqki, salbiy tomoni ko'pligi pesh qilinayotgan internet do'stim uchun yangi imkoniyatlar ehsigini ochdi. Demak, hamma gap internetdan qanday foydalanishda ekan.

Shahzod BARATOV

NOSKASH YIGIT ekologik madaniyatni bilmasa kerak...

Yonimdan pista chaqqan qiz o'ta boshladi.

— Yaxshi qiz, aql o'rgatyapti demang-u, har tong onangiz tengi ayol shu yo'lakni supuradi. Bu ishingiz to'g'rimikan?

— Senga nima?! O'zing supurgandan jay kuydirishingni qara...

Yo'lda davom etdim. Qarshimdan kelayotgan yigit qo'ng'iroqqa javob beraman deb, nosini yerga tupurdi. Ko'kimtir dog' toza yo'lakda xuddi husnbuzardek bo'lib qoldi...

Tabiat — jamiki tirik mavjudot uchun muqaddas go'sha. Bugun inson, fan-texnika va ekologiya o'rtasida nomutanosiblik vujudga kelayotir. Bu o'z navbatida ekologik madaniyatni shakllantirish masalasini ko'ndalang qo'ymoqda. Savol tug'iladi: xo'sh, ekologik madaniyat nima?

Ekologik madaniyat — atrof-muhit to'g'risida chuqur bilimga, tabiatni asrash tuyg'usiga ega bo'lish, o'simliklar hamda hayvonlarga nisbatan g'amxo'rlik ko'rsatish, tabiiy zaxiralardan oqilona foydalanish, ularni ko'paytirishga qaratilgan amaliy faoliyatdir. Aslida ekologik madaniyat tabiatni barcha go'zalliklari bilan his qilib, sevishdan boshlanadi.

Maftuna JO'RAYEVA

Noyob mehr

Mehr-muhabbat ulashish hatto tabiatga ham xos. Quyoshning mehri bilan turfa gullar bu yorug' olamga husn-tarovat bag'ishlaydi...

Sergey Yesenin Erkin Vohidov tarjima qilgan "It haqida doston" ini o'qiganmisiz? Unda bolalaridan ayrilgan ona it holati aks etadi. Doston shunday satrlar bilan tugaydi:

Bechoraga emaklab, kulib,
Non o'rni o'tishgandek tosh,
It ko'zidan yulduzlar bo'lib,
Qorga oqdi tomchi-tomchi yosh.

Mehr hissi hatto hayvonlarda ham bor. Lekin insonlar qalbidan bu tuyg'u yiroqlashayotganday go'yo...

Ota-onamiz hayotligida ularning holidan xabar olishga vaqt topolmaymiz. Ular bu dunyoni tark yetgach, qoldirgan boyliklarini talashishni; xalqga shohona dasturxon yozishni bilamiz. Jigarlarimizdan hol-ahvol so'rash o'rninga mol-davlat yig'ish ilinjida yashaymiz. Axir, Yaratgan in'om etgan umrning poyonini hech birimiz bilmaymiz-ku. Shunday ekan, nima uchun bu foiniy dunyoda mehr deb atalmish ilohiy tuyg'uni bir-birimizdan qizg'anamiz?!

Shahzoda SHOMURODOVA

Siryqasi chiqqan, ammo dolzarb

Ilgari kiyimimizning yirtiq-yamog'i bo'lsa, qisib-qimtib turardik. Vaqt o'tishi bilan zamon, to'g'rirog'i, odamlarning dunyoqarashi o'zgarib, kiyinish uslublarida ham katta "islohot"lar yuz berdi. Bugun asosan tor va kalta, "yirtiq-yamog'", noma'qul so'zlar bitilgan kiyimlar urf bo'lgan. Yoshlar urfga tobora mukkasidan ketib, necha ming yillik tarixiy madaniyatimizning ildiziga bolta urmoqda. Afsuski, libos odamning muomalasi, yurish-turishi, xatti-harakatiga ham ta'sir qiladi.

Yoshi ulug'lar ko'chaga o'tlanayotgan zamonaviy qizaloqni to'xtatib: "Qizim, senga bu kiyim yarashmabdi, uzunroq libos kiymasang, uyatga qolasan. Bu kiyim o'zbek qiziga menga emas", desa olam guliston. Hech kim ularning so'zini ikki qilmasa kerak. Kattalar yoshlarga to'g'ri yo'l ko'rsatib, xalqimizning azaliy an'alariga tayanib ish ko'rsa, maqsadga muvofiq bo'lardi.

Dilfuza ASHURBOYEVA

Yoshlik ilhomi

Beshik

Batartib xona. Bir burchakda ayol ohista beshik tebratgancha alla aytardi. Ro'moli yelkasiga sirg'alib tushgan, ko'zlari esa yumuq edi. Soat beshik harakatiga monand chiqillar, vaqt go'yo ayolni o'z izmiga solgandi...

Birdan ayolning ovozigina titroq kirib, parishonxotir yuzlari bezovta tus oldi. Allani to'xtatib, labini tishladi. Lekin beshik harakati o'zgaradi.

Ko'zlari yoshga to'lib turibdi-yu, biroq undan biror tomchi yumalamadi. Bir nuqtaga tikilib, nimalarnidir o'yladi. Sakkiz yil avval o'tgan to'yi, turmush o'rtog'i bilan qilgan orzulari xayollarini olib qochdi. Farzandini yetaklab yurganini ko'z oldiga keltirdi-yu, entikib qo'ydi. Hayajon sabab-



mi, yuziga biroq qizillik yugurdi. Biroq beshik birday tebranadi.

Xonaga yana hazin alla taraldi. Ayol nilgun hislar bilan alla aytapti-yu, ko'nglida o'sha o'yalar tug'yon uryapti. Biroq bu ayol tildan va dildan to'kilayotgan allaga zarracha xalal bera olmasdi. Ikki bir inson vujudida bo'lsa

ham, alla o'zga olam, xayol o'zga olamda edi. Xona devorlari esa mung'ayibgina bu qo'shiqqa quloq tutaypti.

Tashqaridan eshitilgan ovoz ham ayolning xayolini bo'lolmasdi. Hovli-ga kirib kelgan turmush o'rtog'ining nigohi dorga ilingan go'dak kiyimlariga tushgach, qay tomonga odimlashni bilmay, bir muddat tikilib qoldi. Og'ir qadamlar bilan ichkariga yo'naldi.

— Tsh-sh... Uyg'onib ketadi...

Erkakning o'pkasi tishiga bosib, beshik yopinchig'ini surgani qo'l uzatdi. Ammo qo'li qaltiragancha havoda muallaq qolib ketdi. Darparda yuqoriga surib qo'yilgach, ayolning ovozigina norozilik aralash gina paydo bo'ldi.

— Ana, uyg'otib yuboringiz! O'zi endigina uxlagandi...

Erkakning o'pkasi to'lib, bo'g'zini alam kuyirdi. Bir-bir bosib xonadan chiqib ketdi. Ichkaridan yana alla eshitildi. Yanada balandroq, yana ham jarangdorroq... Alla emas, azador ayolning nolasi edi bu...

Navro'za MAHAMAD XO'JAYEVA

O'qing, bu qiziq!



Lombard degan nom Lombardiyan kelib chiqqan. Lombardiya — Italiyadagi viloyat. Aynan shu hududdan Fransiyaga ko'chib kelgan sudxo'rlar XV asrda qarza pul beruvchi shoxobchalarni ochadi. Asr oxirida bunday kredit muassasalari Yevropaning boshqa davlatlarida ham tuzilib, keyinchalik butun kapitalistik dunyoga tarqalgan.

Dastlabki qo'l soatlarini ayollar zargarlik buyumi sifatida taqqan. "Nega chap qo'lga taqiladi?" degan savol tug'iladi.

Aslida bu an'ananing paydo bo'lishi qo'l soatlarini ancha ommalashgan davrga to'g'ri keladi. XX asrda ular oddiy buyumga aylangan. Chap qo'lga kamroq ishlatiladi. Demak, soat shu qo'lga taqilsa, biron yumush qilayotganda shikastlanish ehtimoli kamayadi.

Ikkinchi sabab: qo'l soatlarining mexanik qurilishi bilan bog'liq. U to'xtovsiz ishlashi uchun qulog'ini burab turish kerak. Murvat esa korpusning o'ng tomonida joylashgan. Demak, mexanik soatni chap bilakka taqqan ma'qulroq.



Inson badanidan chiqayotgan ter va yosh bejiz sho'r bo'lmaydi.

Yoshning asosiy vazifasi ko'zni namlantirib turishdan iborat. Bunday paytda yoshdagi ishqor miqdori namlantirayotgan to'qima hujayralarini bilan bir xil bo'lishi kerak. Aks holda, ko'rish qiyinlashadi.

Ter esa tanamizni sovitadi. Bunga ham sho'r suv sabab. U bug'lan-ganida tashqariga issiqlik ko'proq chiqib ketadi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH VAZIRLIGI DAVLAT ILMIY-TEKNIKA DASTURLARI DOIRASIDA BAJARILISHI 2019 – 2020-YILLARGA MO'LLANGAN INNOVATSION LOYIHALAR TANLOVNING 11-TURINI E'LN QILADI

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qurilish materiallari sanoatini jadal rivojlantirishga oid qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida"gi qarori ijrosini ta'minlash maqsadida Innovatsion rivojlanish vazirligi qurilish materiallarining yangi turlarini yaratish, ishlab chiqarishning texnologik jarayonlarini takomillashtirish hamda mavjud qurilish materiallarining sifatini yaxshilash bo'yicha ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlarini tashkil etish uchun navbatdagi innovatsion loyihalar tanlovi e'lon qilindi. Shu munosabat bilan 2019 – 2020-yillarga mo'ljallangan innovatsion loyihalar tanlovining "Arxitektura, qurilish, dizayn va shaharsozlik fanlari" yo'nalishi bo'yicha belgilangan mavzularda ilmiy-tadqiqot loyihalari qabul qilinadi.



Ma'lumot uchun telefon: (71) 256 34 37, 203 32 32.
Qo'shimcha ma'lumot uchun: <http://mininnovation.uz>.
Tanlovga hujjatlar 2019-yilning 31-iyul sanasigacha qabul qilinadi.

Soha mutaxassislari, tadqiqotchilar va olimlarni tanlovda faol ishtirok etishga chaqirib qolamiz!



MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR Faxriddin KARIMOV
TAHRIIR HAY'ATI
Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehriroz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev – bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina – bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev – mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina – mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi Hasan USMONOV
Dizayner Xurshid ABDULLAYEV
Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi, A-2 formatda chop etildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.
Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.
Buyurtma G-613
Adadi — 20829
Boshiga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.40
O'za yakuni — 00.35